

Дунёда касблар кўп. Уларнинг орасида инсон меҳнати самараси ўлароқ кўзларни қувнатадиган, эл-юрт олқишига сазовор қиладиганлари ҳам бисёр. Бунёдкорлик ана шундай шарафли касблардан десак, асло муболаға бўлмайдими.


Ха, яратиш, яшнатиш ишқида ёниб, мардлар майдони саналган қурилиш участкаларида ёзнинг саратони, қишнинг қаҳратонини ҳам писанд этмай меҳнат қилаётган кўли гул бунёдкорлар ҳар қанча олқишу шарафга лойиқ. Мамлакатимизнинг бугунги гўзал қиёфаси, муҳташам иншоотлари, осмонўпар бинолар, равон йўллари мустақкам кўприклар — барча-барчаси қурувчининг заҳмати ва изланиши мевадидир. Эл-юртимиз фаровонлигини акс эттирувчи бундай замонавий бинолар, кўркам иншоотлар узоқ йиллар давомида бунёдкорларимизнинг юзини ёруғ, дилини нурафшон этди.

— Меҳнатим синган ҳар бир бинони кўрганимда, қалбим бениҳоя фаҳрга тўлади, касбим билан гурурланиб кетаман. Шундай шарафли касб билан эл-юрт корига яраётганимдан, шаҳарларимиз кўрмага кўрк қўшаётган иншоотлар қурилишида фаол иштирок этаётганимдан бахтиёрман, — дейди «159-трест» акциядорлик жамияти 8-қурилиш бошқармаси комплекс бригадаси бошлиғи Ухтам Турғунбоев. — Мамлакатимиз мустақилликка эришгач бунёдкорлик кўлами ошди. Президентимиз раҳбарлигида қурилиш соҳасидаги ислохотлар изчил амалга оширилмоқдаки, албатта бу борада бизга катта имконият ва эркинликлар берилди. Унинг самараси эса юртимиз жамолида аксини топмоқда.

Ухтам Турғунбоевни қарийб 30 йилдан буён қурувчилик касбини эъзозлаб, меҳнат билан кадр топайётганлардан, десак янгиликлардан бўламиз. Илк фаолиятини қурилиш бошқармасида гишт терувчиликдан бошлаб, бир-икки йил ичида яна кўплаб хунар сирларини устозла-

ридан эринмай ўрганди, ёшлик шижоатини намойён этди. Шу боис ҳам унга ишонч билдирилиб, комплекс бригадага сардор этиб тайинланди.

Албатта, бригадирнинг ўзи ҳаммаша ўрнат қўрсатаётганидан кейин аъзолар ҳам унга эргашди. Ухтам Турғунбоевнинг бригадасида тартиб-интизомга қатъий риоя қилинади, ҳар ким ўз вазифасини яхши билади. Жамоада 29 нафар қурувчи меҳнат қилаётган бўлса, кўпчилиги бригадирнинг шогирдлари. Урол Қаҳҳоров, Нигмат Абдурахмонов, Қурбон Турсунов, Шаҳобиддин



Замондошларимиз ШАРАФЛИ КАСБ СОҶИБИ

Муҳиддиновлар устозининг йўл-йўриқлари ва маслаҳатларига амал қилиб келаётгани боис ҳам ҳурмат қозонмоқда. Ухтам Турғунбоев шу кунгача 100 дан зиёд шогирд тайёрлаган бўлса, ҳар бири қурилиш майдонларида устози каби ғайрат-шижоат кўрсатиб хизмат қилаётир.

Меҳнат қилсанг, албатта роҳатини ҳам кўрасан, дейишади. Ухтам Турғунбоев узоқ йиллик самарали меҳнати учун 2003 йилда Президентимиз Фармонига кўра «Меҳнат шухрати» орденига сазовор бўлди, шунингдек Мустақиллигимизнинг 10 ва 15 йиллиги нишонлари билан тақдирланган. Буларнинг барчаси бежиз эмас. Аввало жамоа ишончи бўлса, шунинг баробарида эл-юрт олқиши ҳамдир. Инсонга бундай обрў, ҳурмат-эҳтиромдан

ортиқ бахт борми!

Оилавий бахт эса унинг ҳаётини янада тўқис қилган. Турмуш ўртоғи Холида опа билан аҳилликда тўрт қиз ва бир ўғилни вояга етказиб, касб-хунарга эга қилишди. Ҳозирда шириндан шакар тўрт набиралари ҳам камолга етмоқда.

Утган йиллар мобайнида Ухтам Турғунбоев кўплаб бунёдкорлик ишларида фаоллик кўрсатди. Пойтахтимиз қурилиш майдонлари қаторида Урганч, Қарши шаҳарларида ҳам кўркам бинолар қад ростлашда бригада аъзолари билан муҳим ҳисса қўшди. Пойтахтимизнинг 2200 йиллиги муносабати билан қурилган юбилей объектларида ўз вазифасини сидқидилдан бажарди. Шаҳримизнинг кўрки саналган Амир Темур хиёбонини қайта қуриш ва ободонлаштиришда, Юнусобод туманидаги 271-мактабни капитал таъмир-

лашда Ухтам Турғунбоевнинг бригадаси алоҳида ғайрат кўрсатди.

Айни кунларда 8-қурилиш бошқармаси қурувчилари мамлакатимиз Президентининг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустақкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Глиэр номидаги ихтисослашган мусиқа лицейини қайта қуриш ишларида иштирок этмоқда. Улар ўз меҳнати билан фарзандларимизнинг билим олишига, санъат чўққиларини эгаллаб, юртимиз довруғини таратишига шарт-шароитлар яратишга бел боғлаган. Ўз ишининг устаси ва билимдонини бўлган Ухтам Турғунбоев ҳам эрта тонгдан кечгача уларга бош-қош бўлиб, касбнинг шарафно мушакқатларини бирга баҳам кўрмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

ДЎСТЛИК ВА САНЪАТ БАЙРАМИ

Мамлакатимизда Озарбойжон киноси кунлари яқунланди. Шу муносабат билан «Ўзбекино» миллий агентлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида икки мамлакатнинг кинематография соҳаси ижодкорлари, санъатшунослар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов раҳнамолигида санъатнинг барча йўналишлари, жумладан, миллий кинони жадал равишда топтириш, унинг ёшлар қалби ва онгида эзгу ғояларни қарор топтиришдаги ўрни ва аҳамиятини юксалтириш борасида кенг камровли ишлар амалга оширилади тасдиқланди. Соҳада халқаро ҳамкорлик ришталари ўрнатилган хусусида ҳам сўз борди.

Ўзбекистонда Озарбойжон киноси кунларининг муваффақиятли ўтгани бунинг далилидир. Кино санъати байрамига айланган тадбир доирасида юртимиздаги олий таълим даргоҳлари, ижодий ташкилотлар, кинотеатрлар, санъат саройларида учрашув ва мулоқотлар, қардош халқнинг кино ижодкорлари томонидан яратилган экран асарларининг премьералари бўлиб ўтди.

Озарбойжонлик киноижодкорлар истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан танишдилар. Айни пайтда Юрбошимиз томонидан миллий кино санъати равнақига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг кўлами, соҳада эришилган ютуқ ва янгиликлардан бохабар бўлдилар. Музейлар, тарихий қадамжолар, меъморий обидаларга саёҳат қилдилар.

— Ўзбекистонда Озарбойжон киноси кунлари ғоят юксак савиёда, кўтаринки кайфиятда ўтди, — деди Озарбойжон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги вакили Олмос Султонодда. — Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган самарали мулоқотлар келгусида кино соҳасида ҳамкорликда янги ижодий лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

Таълим

КАМАЛАК ЖИЛОСИ

Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг ёшлар маданият марказида ташкил этилган «Атлас ва адрес либослар тўплами» кўргазмаси доирасида «Кўзимни яшнатиб кийибсиз атлас» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Институт хотин-қизлар кенгаши ва «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти ҳамкорлигида уюштирилган мазкур байрамга тадбирда дизайн факультетининг либос дизайни ва газламалар бадийи ечимлари ҳамда либос дизайни касбий таълими бўлимларида сабоқ олаётган талаба-қизларнинг атлас ва адрес матолиридан яратган либослари намойиш этилди.

Гўзаллик ва нафосат кўргазмаси тусини олган бу тадбирда, айниқса Ситора Отахоновна, Наргиза Гапурова, Муниса Хайитова, Ирода Ақромоваларнинг яратган либослари ҳам миллий, ҳам замонавий талаблар даражасига мос эканлиги эътироф этилиб, олқишга сазовор бўлди.

Интерьер дизайни бўлими талабаси Қасира Қаюмова ижросидаги «Муножотни тинглаб» кўшиги, либос дизайни бўлими талабалари Шаҳзода Мадалиева ва Маҳзуна Юсуповаларнинг шўх рақслари тадбирига кўтаринки руҳ берди. Дизайн факультети талаба-қизларининг иқтидорлари камалакдек сержилди ва жозибадорлиги ҳам яна бир бор исботланди.

Замира САФАРОВА

ТАЪТИЛГА ТАЙЁРГАЛИК

Юнусобод туманидаги «Ҳасанбой» болалар спорт мажмуасида «Ёз-2010» шиори остида мусобақалар бўлиб ўтди.

Халқ таълими туман бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жағфармаси шаҳар филиали ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақаларда мактаб ўқувчилари ва ота-оналар қатнашди.

Мингдан зиёд ўқувчи футбол, стол тенниси, волейбол, бадминтон, шахмат-шашка мусобақаларида беллашди. Педагог аёллар ўртасида «Қувноқ стартлар» ташкил этилди.

Ташкилотчилар ахборотига кўра, тадбирни ўтказишдан мақсад ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, спорт билан оммавий шугулланиши учун барча шарт-шароитлар яратиб беришдир.

Қутилаётган ёзги таътилда болажонлар учун биргина «Ҳасанбой» спорт мажмуасида 15 га яқин тўғарақ фаолият олиб боради. Бу ерда ташкил этилган миллий ва белбоғли кураш, каратэ, қўл жанги, байдарка ва каноэда эшак эшиш тўғарақларига ўқувчилар мунтазам қатнашиб келмоқда.

Фақат каноэ ва байдарка билан 220 нафар бола шугулланади. Бошқа тўғарақлар машғуллотлари 650 та бола 28 гуруҳга бўлинган ҳолда қатнашади. Мажмуада таътил бошланишига қадар бадий гимнастика тўғарагини очиб ҳам кўзда тутилган.

Ақбар ЖИЯНОВ, «Туркистон-пресс»

БАРЧА ИМКОНИАТЛАР ЯРАТИЛГАН

Яккасарой тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўз қизиқтирган саволлари ва муаммолари бўйича ҳафтанинг исталган кунда солиқ идорасига мурожаат қилиши учун барча имкониятлар яратилган.

Қайд этилган қарор ижроси борасида текширувлар ҳам ўтказиб борилади. Хусусан, жорий

йил биринчи чорагида аниқланган ҳуқуқбузарликлар натижасида 28,8 миллион сўмлик мол-мулклар олиб қўйилиб, текширув ҳужжатлари қонуний чора кўриш учун ваколатли органларга юборилди. Шу кунгача суднинг қарори билан деярли 12,8 миллион

сўмлик мол-мулк давлат даромадига ўтказилди. Қолган мол-мулкларга доир ҳужжатлар бўйича ўрганишлар давом этмоқда.

Абдуманноп АЪЗАМОВ, Яккасарой тумани давлат солиқ инспекцияси бош ноистри

Собир Раҳимов тумани, Тансиқбоев 3-мавзе, 1-уй, 70-хонадонда истиқомат қилувчи Г.Усмонова Навойий кўчасида «Globus» савдо дўконидан «Nokia-6700» русумидаги уяли телефон аппаратини 630.000 сўмга сотиб олган. Бироқ аппарат ўз сифат қоғолатини оқлай олмаган. Ҳозирда истеъмолчиға тегишли маблағ қайтариб берилишига эришилди.

Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 108-уйда яшовчи Б.Мухамедқулов Навойий кўчасида савдо дўконларидан биридан 520.000 сўмлик «Nokia-5800» русумидаги уяли алоқа телефон аппаратини харид қилган. Маҳсулот сифатсизлиги боис шу русумдаги телефон аппарати билан алмаштириб берилди.

Чилонзор тумани 17-мавзе, 40-уй, 67-хонадонда истиқомат қилувчи Р.Новикова сифатсиз стоматология хизмати кўрсатилганлиги юзасидан мурожаат қилган. Текширишлар истеъмолчининг шикоят аризадидан кўрсатилган далилларнинг асосли

нидаги телефон тармоғининг носозлиги юзасидан мурожаат қилган. Ҳозирда «Ўзтелеком» акциядорлик компаниясининг

ўртасидаги вазият ижобий ҳал этилиб, истеъмолчи фойдасига 300.000 сўм ундириб берилди.

Ҳамза тумани, Риёзий кўчаси, 30-уй, 11-хонадонда яшовчи С.Ким коммунал хизматлардаги баъзи камчиликлар юзасидан мурожаат қилган. Худудий бирлашманнинг аралашуви билан 177.000 сўмлик маблағ қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди.

Зарқайнар 1-тор кўча, 2-уйда истиқомат қилувчи Д.Хорунжўжа «Абу-сахий» дўконидан 400.000 сўмлик буюм харид қилган. Маҳсулот сифатсиз чиққанлиги боис сарфланган харажат истеъмолчиға қайтариб берилди.

Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари, агар сиз харид қилган маҳсулотларда нуқсонлар сезилса, Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш худудий бирлашмасининг 276-90-46 ишонч телефониға кўнғироқ қилинг. Интернетдаги манзил: toozppuz@gmail.com.

Хидирали ПАНЖИЕВ тайёрлади

Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 1-уй, 1-хонадонда яшовчи А.Журавлева «Roison» савдо дўконидан 1.200.000 сўмга музлатгич харид қилган. Ҳозирда маҳсулот сифатсизлиги боис шу русумдаги музлатгичга алмаштириб берилди.

Собир Раҳимов тумани, Қўрғонтепа тор кўчаси, 86-уйда яшовчи А.Ваҳодов хонадо-

лар кўрсатишдаги баъзи камчиликлар юзасидан мурожаат қилган. Худудий бирлашма аралашуви билан муаммо бартараф этилиб, истеъмолчиға етказилган 220.500 сўмлик моддий зарар ундириб берилди.

Тансиқбоев-2 мавзеси, 3-уй, 20-хонадонда истиқомат қилувчи Х.Холмуродова ўзи яшаб турган мавзенинг коммунал хизматлариға маъсул бўлган ширкат фаолияти юзасидан мурожаат қилган. Ҳозирда томонлар

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг «Европа Иттифоқи ва Ўзбекистоннинг интеллектуал мулк ҳуқуқига оид қонунчилигини яқинлаштириш муаммолари ва истиқболлари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, профессор-олимлар, ҳуқуқшунос ва соҳа мутахассислари ҳамда талабалар иштирок этди.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҚОНУНЧИЛИГИ

— Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан 26 апрель — Халқаро интеллектуал мулк кўни деб эълон қилинган. Ушбу сана дунёнинг барча давлатларида кенг нишонланиб келинади, — дейди «Туркистон-пресс» муҳбири Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети кафедра мудири Бобоқул Тошев. — Тадбирдан кўзланган мақсад Ўзбекистонда интеллектуал мулк объектлари яратувчилари ҳуқуқлари ҳимоясини янги босқичга кўтариш йўллари, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштиришдир.

Маълум қилинганидек, кейинги беш йил ичида республикада интеллектуал мулк ҳуқуқига оид қонунчилик таркиби янгиланди, илмий концепция ҳам ишлаб чиқилди. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида интеллектуал мулк ҳуқуқига оид қонунчиликни яқинлаштириш борасида изланишлар қилинаётгани бежиз эмас. Ҳозиргача интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида саккизта давлатлараро, ўн та ҳукуматлараро, ўн еттита идоралараро шартнома ва битимлар тузилган. Улар илмий-техникавий ишланмаларни чет элда муҳофаза қилишга ва экспортларнинг ташқи-иқтисодий фаолиятига ёрдам бериш баробарида чет эл инвестицияларини миллий sanoатимизга жалб қилишга йўналтирилган ҳамдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат патент идораси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида патент идораси фаолияти йўлга қўйилган. Кейинги йилларда «Ихтиролар, фойдаланма моделлар ва саноят намуналари тўғрисида», «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида», «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимоясини тўғрисида», «Интергал микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида», «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиниб, бунинг натижаси ўлароқ ЭҲМ дастурлар, маълумотлар базаси, ўсимлик навлари, ҳайвон зотлари, товар келиб чиққан жой номлари каби ўндан зиёд интеллектуал мулк объектлари муҳофазага олинган.

Тадбир давомида «Интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари», «Европа патент ташкилоти фаолияти ва Европа патент конвенцияси хусусиятлари» каби мавзуларда депутатлар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг маърузалари тингланди, шунингдек Ўзбекистон давлат патент идораси томонидан тайёрланган «Ихтиролар тарихидан» фильми намойиш этилди.

Рахшона ТОШПҲАТОВА

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

ОНАЛАР ҚУВОНЧИГА ШЕРИК

Инсон саломатлигини асраш, соғлом авлод туғилиши ва камолга етишини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда тиббиёт ходимларининг ҳиссалари бекиёсдир.

Хар қайси касбнинг ўзига яраша машаққати бўлади. Қийинчиликларни енгиб ўтишда эса айниқса шифокорлардан чуқур билим ва тажриба талаб этилади.

Наргиза Қўчқорова ёшлигидан болалар шифокори бўлишни кўнглига туғиб, оқ халат кийган касб эгаларини кўрганда, уларга ҳавас билан қараб, яхши ният қилди. Айниқса, акушер-гинеколог бўлмиш меҳрибон онажонининг ҳар доим беморлар дардига дармон бўлаётганини кузатиб, шу касбга ҳавас уйғонган бўлса ҳам ажаб эмас. Наргиза малакали шифокор бўлиш учун кўп ўқиб, билим олиши кераклигини тушунди. Мактабни тамомлагач, ўзи орзу қилган Тошкент Педиатрия-тиб-

биёт институтига ўқишга кирди. 1993 йилда институтни битириб, шу даргоҳда амалиётни ўтади. Устозларидан сабоқ олишга, уларнинг тажрибаларини ўрганишга киришди. Сўнгра Юнусобод туманидаги 1-болалар клиник шифохонасига педиатр-шифокор бўлиб ишга жойлашди. Болаларни жону дилдан севган Наргиза ишга тезда киришиб кетди. Айни пайтда бу ерда ташхис-аниқлаш бўлимида бемор болаларнинг дардига малҳам бўлиб, ўз билим ва маҳоратини намоён этган ҳолда ота-оналарнинг раҳматига сазовор бўлмоқда.

— Ҳақиқатан ҳам шифокорликнинг ўзига яраша машаққати бўлсада,



бирок шарафли касбдир, — дейди Наргиза Қўчқорова. — Шифокор кўлида инсон саломатлиги, тақдирини ўтади. Демак, бу касб авваламбор катта масъулиятни талаб этади. Ёшлигимдан болажонлар саломатлигини сақлаш, уларнинг чеҳраларига доимо қувноқлик, бегубор қулгу бахш этишни ният қилганим ва бунга эришим, деб ўйлайман. Болалар дардига шифо толар эканман, ўзимни янада бахтиёр сезаман.

Олий тоифали шифокор-педиатр Наргиза Қўчқорова сингари касбига садоқат билан меҳнат қилаётган, болалар дардига малҳам топиб, ота-оналарнинг қувончига шерик бўлаётган саломатлигимиз посбонлари сафи кенгайиб бораверсин.

Гулнор ҲАМИДОВА СУРАТДА: Наргиза Қўчқорова кичкинтойнинг саломатлигини назорат қилмоқда. Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

Мамлакатимизда аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлашга қаратилган савий-ҳаракатлар кўлами кенгайиб, диққатга сазовор бўлаётди. Бу борада кўплаб қўли энгил, сўзи ширин ҳамшираю тажрибали шифокорларнинг ҳиссаси таҳсинга лойиқдир.

Қарор ва ижро

ТИББИЙ САВОДХОНЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Соғлом жамиятдагина баркамол авлод тарбия топади. Шу боис мамлакатимизда оналини мустаҳкамлаш, аёллар, оналар ва болалар саломатлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз Президенти томонидан қабул қилинган «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳам бу борадаги ишларнинг самарасини янада оширишга хизмат қилаётди.

Собир Раҳимов тумани аҳолиси 300 мингдан ортиқ бўлиб, ярмидан кўлини хотин-қизлар ташкил этади. Қайд этилган қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида туман комиссияси ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борувчи махсус жамоатчилик кенгаши тузилиб, айни кунларда жойларда тегишли чора-тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Маҳаллаларда тегишли соҳа мутахассисларини тақлиф этган ҳолда отахон ва онажонлар, ёш оилалар, ўсимир йигит ва қизлар иштирокида бугунги кунда долзарб бўлган мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Асосий эътибор оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга, соғлом оналини шакллантириш борасида эркакларнинг масъулиятини ошириш масаласига қаратилмоқда. Эътиборлиси, бундай тадбирлар жонли мулоқот ва қизгин баҳс-мунозаралар тарзида ўтаётди.

Шу билан бирга қарорларнинг мазмун-моҳияти ҳусусида тиббиёт ва таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда ҳам ҳафтанинг пайшанба кунлари оилавий поликлиника шифокорлари ва репродуктив саломатлик маркази мутахассислари иштирокида суҳбатлар уюштирилади.

Айтиб ўтиш жоизки, малакали шифокорлар, ҳуқуқшунослар, турли соҳа вакиллари томонидан мазкур қарорларнинг амалий ижросини таъминлаш борасида ҳам хайрли ишлар қилинаётди.

«Соғлом она — соғлом бола» дастурининг мақсадли вазифалари туман ҳокимлиги, тиббиёт бирлашмаси, ФХДЭ, халқ таълими бўлими, «Ёшлик» талабалар шарафчиси ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» ва «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Камолот»

ЎИХ, Қизил Ярим Ой жамияти бўлимлари ва «Оила» маркази билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, туман ҳокимлиги томонидан хотин-қизларнинг иқтисодий, иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларда тугган ўрнига катта аҳамият берилиши баробарида уларни оммавий спорт тадбирларига кенг жалб этиш, бунинг учун шарт-шароитлар яратиш, саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ижросини амалда баҳариш, маҳаллаларда, таълим ва тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган ва таъхил олаётган хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш мақсадида «Спорт — гўзаллик рамзи» ширин остида спорт мусобақалари ўн қулуги ўтказилди. Мазкур тадбирга 600 дан зиёд хотин-қизлар жалб этилди. Мусобақа ғолиблари ва иштирокчилари ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари ва ёрлиқлар билан тақдирланди.

Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом оналини шакллантириш, ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш, баркамол авлодни тарбиялаш масалалари юзасидан ишлаб чиқилган дастур ва чора-тадбирлар режаларининг ижроси бўйича амалга оширилган ишлар таҳлили бу йўналишдаги ишларга масъулият билан ёндашишни, аҳоли репродуктив саломатлигига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этишда тизимли иш ташкил этишни талаб этади.

Муқаддам РАСУЛОВА, Собир Раҳимов тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси

Мутахассис маслаҳати

БАҲОРГИ ҚУВВАТСИЗЛИКНИНГ ДАВОСИ

Баҳорнинг илк шабадаси киши уйқусида ётган бутун борлиқни ўзининг ҳаётбахш ҳавоси билан эркалатиб уйғотди. Наврўз келиши билан она табиат бекиёс даражада гўзаллашиб, тоғ ва оқирларда кўм-кўк майсозорлар, қийғос очилган лолалар, чучумомаю бойчечаклар бутун тирик мавжудотни мафтун қилмоқда. Баҳор фаслида каттаю кичик она табиат билан янада яқин бўлишга ҳаракат қилади. Бу, албатта табиийдир. Чунки биз ҳаммамиз она табиат фарзандларимиз.

Баҳор фаслида табиатда содир бўладиган ўзгаришлар, ўз навбатида, инсон организмга ҳам таъсир кўрсатиши табиий. Шунинг учун бўлса керак, мана шу кезларда турли ёшдаги кишилар ўртасидаги «Ухлаб уйқуга тўйилман», «Иш қилмасам ҳам чарчаб қолман», «Ҳеч қандай сабаб-сиз тинкам қурийдим» ва ҳоказо гапларни эшитамиз.

Баҳорда шамоллашлар, вирусли касалликлар, томоқнинг яллиғланиши каби хасталиклар кўп қайд қилинади. Шундай ҳоллар халқимизда «илик узиди» деб аталади. Бизнингча, бунга сабаб бир томондан баҳор фаслида кузатиладиган табиатдаги кескин ўзгаришлар бўлса, иккинчидан инсон организмидagi мавжуд витаминларнинг камайиб кетишидир.

Витамин лотинча сўз бўлиб, «вита» — ҳаёт деган маънони билдиради. Витаминларнинг озик-овқат маҳсулотларида камлиги кишилар ўртасида гиповитаминоз касаллигининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатларда инсон организмида турли хил касал қачирувчи микрооргазмларга қарши курашиш қобилияти кескин пасаяди.

Ушбу бундай ҳолатнинг олдини олишнинг чораси борми, деган саволнинг туғилиши табиийдир. Асосан бундай ҳолат баҳор фаслида нисба-

тан кўп кузатилади экан, демак, давосини ҳам баҳор фасли ўзи билан олиб келади. Баҳорги қувватсизликка қарши ҳозирги кунда она табиатнинг Наврўз тўғрисида қилиб етказган яллиб, нана, жам-жағ, кийик ўти, отқулқ, исма-лок, семизўтлардан турли хил сомсалар, чўчара ва манти каби таомлар тайёрлаш мақсада мурофидир. Бундай таомлар гиповитаминоз касаллигини йўқотишда катта самара беради. Чунки ошқўқлар таркибида инсон саломатлиги учун зарур бўлган турли хил биологик фаол моддалар кўпдир, айниқса аскорбин кислотаси, витамин В1, В-РР, Р,К ва каротинларга бойдир. Ёввойи ҳолда кенг тарқалган фойдали ошқўқлар ўз таркибидаги витаминларнинг микдори ва сифати жиҳатидан маданий ошқўқлардан қолишади. Кузатишлардан шу нарса ойдинлашадик, эрта баҳордаги паст ҳаракат, юқори намлик, нисбатан тоза ҳаво ёввойи ошқўқлар таркибидаги одам организмиди учун зарур витаминларнинг кўп йиғилишига сабаб бўлар экан. Кези келганда, яна шу нарсага айтиш керакики, кўпчилик ошқўқлар таркибидаги аскорбин кислотасининг микдори эрта тонгдан то тушга қадар ошиб бориб, сўнгра пасаяр экан.

Шу билан бирга организмнинг турли хил касалликларга қарши қу-

рашиш қобилиятини оширувчи, қўзинг қўриш қобилиятини яхшиловчи каротин моддаси аксинча куннинг иккинчи ярмида кўпроқ йиғилар экан. Бунда қуёш нурунинг таъсири катта бўлса керак. Ошқўқларни қанчалик майда қилиб тўғралиб, ёғ билан бириктириб пиширилса, улардаги каротин яхши ажралаб, янада кўпроқ фойда келтиради. Шунинг учун ўт сомса, мантларга ёғ қўшилиши мақсадга мувофиқдир. Ошқўқларни илжойи борица транспорт йўлларидан, санаот корхоналаридан узоқроқ жойлардан олиниши алоҳида эътибор бериш лозим, акс ҳолда улар ифлосланиши, фойда ўрнига зарар келтириши мумкин. Наврўзда маҳаллаларда онажонларимиз томонидан кўпчилик иштироки билан тайёрланган сумалак эса қувват дорининг ўзгинаси. Устирилган бугдой донидан тайёрланган сумалак таркибида жуда ҳам фойдали Е витамини борлиги нур устига нурдир. Халқимизда минг йиллик тарихга эга бўлган Наврўз тадбирлари бежиз қўллаб-қувватланиб келинмаётди.

Абдувахоб ТОХИРИЙ, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти «Соғлом турмуш тарзи» кафедрасининг катта ўқитувчиси

Шифо масканларида

ХУШ КАЙФИЯТ УЛАШИШАДИ



Юнусобод туманининг сўлим ва ҳушманзара ҳудудига жойлашган «Нуронийлар оромгоҳи» отахон ва онажонларимизнинг сеvimли дам олиш масканига айланган, десак хато бўлмайди. Ушбу сийҳатгоҳда саломатлигини тиклаб, ҳам маданий ҳордиқ чиқараётган нуронийлар эътибор ва ғамхўрликдан мамнун бўлиб, илик фикрларни билдирмоқда.

— Махсус лойиҳа асосида 1992 йилда ташкил топган ва йил мобайнида узлуксиз фаолият кўрсатиб келаётган «Нуронийлар оромгоҳи»да уруш ва меҳнат фахрийлари, нафақахўрлар ва жисмоний имконияти чекланганларнинг саломатлиги тикланиб, дам олиши ҳам таъминланади. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакики, 2008 йилда бу оромгоҳга сийҳатгоҳ мақоми берилган, — дейди бош шифокор ўринбосари Гулираёна Маҳмудова. — Бу ерда асосан юрак —томир касалликлари билан огриган беморлар табиий ва физиотерапевтик усуллар билан даволанади. Оромгоҳда функционал диагностика, стоматология, биоиммун ва клиник лаборатория, озекерит, шифобахш ванна, айланма душ, ингалятор билан даволаш усуллари қўлланилиб, бу борада 10 нафар олий тоифага эга шифокор, 80 дан ортиқ олий ва биринчи тоифали ҳамширалар ҳамда кичик тиббий ходимлар хизматга шайланган. Беморлар дори-дармонлардан ташқари, шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамламалар орқали даво топади. Улар учун шунингдек тўрт маҳал иссиқ ва парҳез та-

омлар, витаминларга бой салатлар тайёрланади. Сийҳатгоҳда дам олувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилган. Клуб, беш мингдан зиёд китобга эга ахборот маркази, чойхона шулар жумласидандир. Бундан ташқари, зиёратгоҳларга саёҳат, театр ва концертларга ташрифлар ташкил қилинади.

— «Нуронийлар оромгоҳи» кексалар учун нийоятда қадрли гўшага айланиб қолган. Ушбу масканда шифокору ҳамшираларнинг бизларга кўрсатган эътиборидан, ҳушумомаласидан жуда хурсандимиз, — дейди меҳнат фахрийси Нурмон Курбонов. — Мен ҳар йили бу ерда соғлиғимни тиклаб, дам оламан. Сийҳатгоҳдаги орасталик, озодалик, тартиб-интизом, беморларга ўз вақтида қилинаётган муолажалардан барча мамнун. Айниқса, ширинсўз шифокору ҳамшираларимиздан Равшан Носиров, Нигора Нуритдинова, Зоя Сотволдиева, Маҳфуза Зокирова, Нигора Усмонова, Сабоҳат Собировалар туну кун атрофимизда парвона бўлиб, саломатлигимиз ҳақида қайғурадилар, дардимизга малҳам топадилар.

Халқимизда «Олтин олма, дуо ол» деган нақл беҳиз айтилмайди. «Нуронийлар оромгоҳи» сийҳатгоҳининг шифокор ва ҳамширалари ҳам кексалар дуосини олиб, кўпчилик саломатлигини сақлашда камарбаста бўлаётдилар.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: «Нуронийлар оромгоҳи» сийҳатгоҳи фаолиятдан лавҳа. Козим Ўлмасов олган сурат

Семинарлар

ИММУНИЗАЦИЯ ҲАФТАЛИГИ ДОИРАСИДА

Пойтахтимизда «Европа иммунизация ҳафталиги»да мамлакатимизнинг иштирокига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Республикаимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида яратилган замон талабларига мос санитария-эпидемиологик муҳит халқимизни юқумли касалликлардан ҳимоялаш, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом этиб камолга етказишда муҳим омил бўлаётди.

Юртимизда 2 ёшгача бўлган болаларни юқумли касалликларга қарши бепул ва ҳавфсиз эмлаш тизими шакллантирилди. Ўзбекистон 2002 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг «Полиомиелитдан холи ҳудуд» сертификатига сазовор бўлди. Мамлакатимизда бўлма, қизамиқ ва қизилча сингари хасталикларга барҳам берилди.

«Европа иммунизация ҳафталиги» тадбирлари Ўзбекистонда иккинчи бор ўтказилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси мувофиқлаштирилган ушбу тадбирни ўтказишда ЮНИСЕФ ҳамда ушбу йўналишдаги минтақавий ва миллий ташкилотлар ҳамкорлиги юқори самара бермоқда.

2010 йилнинг 1 майига қадар давом этадиган ҳафталик доирасида республикаимиздаги бирламчи шифо масканларида болалар эмланиб, аҳоли ўртасида эмлашнинг аҳамияти тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилади. Оилавий поликлиникалар шифокорлари, маҳаллалар фаоллари, таълим масканлари мутахассислари иштирокида семинар-тренинглар ташкил этилади.

Педиатрлар, иммунологлар, санитария-эпидемиология соҳаси шифокорлари иштирок этган анжуманда мамлакатимиз ва жаҳонда иммунизация соҳасида амалга оширилаётган ишлар, янги вакциналарни қўллаш самараси ва бу борада ечимини кутаётган масалаларга оид маърузалар тингланди.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири

БИЛИМЛАРИНИ СИНОВДАН ЎТКАЗИШДИ

Миробод туманидаги 218-мактабда «Саломатликнинг ёш дўстлари» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди.

Халқ таълими туман бўлими ва Қизил Ярим Ой жамияти ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда 94, 60, 110, 213, 218, 214, 294-мактабларда таҳсил олаётган 7-8-синф ўқувчилари ўзаро беллашди.

Танлов бошланиши олдида сўзга чиққанлар бугунги кунда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимиде амалга оширилаётган ислохотлар туфайли соҳадаги ривожланишлар, ёшлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида тўхталиб ўтишди.

Танловда бешта шарт бўйича беллашган ўқувчилар тест ва интерфаол ўйинлар орқали тиббий билимини синовдан ўтказди.

Ҳайъат аъзолари ғолибни аниқлашда мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган гиёвандлик, кашандалик каби иллатлар қораланган ва соғлом турмушни тарғиб этувчи деворий газеталар мазмунини ҳам ҳисобга олди.

— Мақсад авваламбор ўқувчиларнинг тиббий маданиятини оширишдир, — дейди халқ таълими туман бўлими мутахассиси Яхшигул Шодиева. — Ёшларнинг тиббий ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, соғлом авлодни тарбиялаш эса биз, педагоглар олдидаги долзарб вазифа ҳисобланади.

Танлов якунига кўра, «Энг яхши деворий газета иши» номинацияси бўйича 110-мактаб жамоаси ғолибликни қўлга киритган бўлса, мутлоқ ғолибликка 94-мактаб ўқувчилари сазовор бўлди.

Азима ҚИЁСОВА, «Туркистон-пресс»

«ABLAYHAN-SERVIS» масъулияти чекланган жамияти (ИНН 300642103) Устав фондининг 136 425 159 сўмдан 3.000.000 сўмга камайитирилиши маълум қилинади

Телефон: 243-48-54

«TIG PLUS BUSINESS» м.ч.ж.нинг Устав фонди 118 830 000 (бир юз ўн саккиз миллион саккиз юз ўттиз минг) сўмдан 24 771 398 сўмга камайитирилиши маълум қилинади.

Жамиятимизда тинчлик-тотувлик ва барқарорликни таъминлашда маҳалланинг аҳамияти алоҳидадир.

Фикримизни Шайхонтоҳур туманидаги «Хувайдо» маҳалласи мисолида давом эттирадиган бўлса, ўзини ўзи бошқариш тизимида тинчлик-тотувликни таъминлаш борасида олиб борилаётган сай-ҳаракатлар ҳақида янада тўлиқроқ маълумотга эга бўламиз. Шаҳримиздаги ибратли маҳаллалардан бири бўлмиш ушбу меҳр-оқибат ва қадр-қиммат масканига қачон қадим ранжида қилманг, ҳар доим саранжом-саришталикдан кўзингиз кувонади.

— Маҳалламиздаги тинчлик-хотиржамлик ва осойишталикнинг асоси маҳалладошларнинг аҳиллиги, ҳамжихатлиги, ҳар бир ишни келишиб, биргаликда амалга ошираётганида деб биламан, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фотиҳ

Спорт янгиликлари



БЎЛҒУСИ ЧЕМПИОНЛАР

Мамлакатимизда кейинги пайтларда кўплаб янги спорт турлари оммалашмоқда. Жонри таэквандо шарқ яккакураши тўғрисида ҳам шундай фикрни билдириш мумкин.

Яқинда «Жар» спорт мажмуасида спортнинг ушбу тури бўйича халқаро мусобақалар катта муваффақият билан бўлиб ўтди.

Мусобақаларда Юнусобод туманидаги 86-мактабда мураббий Эркин Аъзамхўжаев етакчилигида жонри таэквандо сирларини ўрганаётган «Зафар» клуби аъзолари юқори натижаларга эришди. Жумладан, қизлардан Азиза Рустамова спаррингда биринчи ўринни кўлга киритган бўлса, ўғил болалардан Саидқодир Асқаров, Нодир Рихсиҳўжаев ва Ботир Мирвалиев ўз вазн тоифаларида олтин нишон соҳиблари бўлди.

СУРАТДА: «Зафар» клуби аъзолари машқ пайтида Бурхон Ризоқулов олган сурат

БИРИНЧИЛИК УЧУН РАҚОБАТ КУЧАЙМОҚДА

Мамлакат XIX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида ўтказилган олтинчи тур беллашувлари қутилмаган натижаларга бой бўлди.

Авалло шунга таъкидлаш жоизки, ўтказилган 5 та турдан сўнг турнир жадвалида «Бунёдор», «Навбахор» ҳамда «Пахтакор» жамоалари бир хил — 10 тадан очко жамғаришган эди. Шу боисми, 6-турда ушбу жамоалар қайд этадиган натижалар барча мутахассислару мухлисларни қизиқтираётган эди. Амалдаги мамлакат чемпиони «Бунёдор» жамоаси бу сафар Зарафшонда «Қизилқум» меҳмони бўлди. Мурасасиз курашлар остида кечган беллашув қутилмаганда 1:1 ҳисобидаги ду-

ранг натижа билан якунланди ва Сколари шогирдлари муҳим икки очкодан маҳрум бўлди. Жорий йилда ҳам чемпионат ғолиби бўлишни ният қилган «Пахтакор» ўз майдонида Муборакнинг «Машъал» жамоасини қабул қилиб, Одил Аҳмедов томонидан киритилган ягона гол эвазига 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди ва мавқеини яна яхшилаб олди. Мамлакатимизнинг етакчи жамоаларидан бири «Навбахор»га ҳам ушбу турда омад кулиб боқди. Тошкентда «Локомотив» билан куч си-

нашган наманганлик футболчилар мезбонларни 3:1 ҳисобида қийинчиликсиз мағлуб эттишти.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нефтчи» — «Хоразм» — 1:0, «Металлург» — «Олмалик» — 1:0, «Шўртан» — «Андижон» — 2:1. Ушбу турнир «Насаф» — «Динамо» жамоалари баҳси 1 июнда ўтказилади.

Ҳозирда олти турдан кейин «Навбахор» ва «Пахтакор» жамоалари 13 тадан очко жамғариб турнир жадвалида биринчи, иккинчи ўринларни эгаллаб туришибди. Чемпионликка яна «Бунёдор», «Насаф» жамоалари ҳам даъвогар эканликларини ҳисобга олганда чемпионатда рақобат кучаймоқда.

Мамлакат XIX миллий чемпионатининг еттинчи тур учрашувлари 1 ва 2 май кунлари бўлиб ўтади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ШУКРНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАҚИДА

Дафъ қилгай шукр иллатҳойи дил, Шукрдин афзун бўлур савдойи дил.

Шукр жони неъмат, неъмат чун пўст, Шукр элтар то сани дар кўйи дўст.

Неъмат ар кўб бўлса гафлатдин бўлур, Меҳнат ар кўб бўлса раҳматдин бўлур.

Шукри неъмат яхши неъматдинму ҳам, Рўзу шаб шокирга неъмат дамбадам.

Шукр қилсанг неъматинг афзун бўлур, Куфри неъмат қилсанг илгингдин олур.

Гар десанг муйи саринг шукри давом, То қиёмат шукрлар бўлмас тамом.

Неъматни ҳақ беҳаду вофир бўлур, Шукрни тарк айлаган кофир бўлур.

Бандага Ҳақ аввало неъмат берур, Шукр келтурса бажо раҳмат бўлур.

Баъди неъмат неъмату раҳмат ҳама, Баъди раҳмат иззату қурбат ҳама.

(Давоми бор)
Маҳмуд ҲАСАНИЙ ва Мавжуда РАЗЗОҚОВА тайёрлаган

Маҳалла МЕҲР-ОҚИБАТ МАСКАНИ

Асқаров.— Айниқса, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган ота-онахонларнинг панд-насихатлари, ўғитлари ёшларга катта ўрнак. Худудимиздаги 169-мактаб, 342-мактабгача таълим муассасаси, 45-оилавий поликлиника билан ҳамкорликда мунтазам ўтказиб келинаётган турли мавзулардаги учрашувлар, тадбирларнинг самараси ҳам ўзгача эътиборли.

Маҳалла фаоллари билан суҳбатимиз чоғида кўпчилик диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Маҳбуба Раҳматуллаевани хурмат билан тилга олди.

— Маҳалламизда Маҳбуба опани танимаган, уларнинг ёрдамларидан баҳраманд бўлмаган одам топилмас керак, — деди 169-мактаб директори ўринбосари Маъсуда Бадалова. — Айниқса, ёшлар билан ишлаш, ёш оилаларда тинчлик-осудаликни сақлаш, қайнона-келин моҳирларини ақл билан бартараф этиш, оиланинг бузилиб кетишига йўл қўймастик борасида олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқ. Маҳалла маслаҳатчиси ташаббуси билан юқори синф ўқувчи қизлари иштирокида ҳар ойда икки мартадан турли мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилади. Бундан нафақат ўқитувчилар, балки ота-оналар ҳам мамнун бўлаётдилар.

— Узоқ йиллар ёш авлодга таълим-тарбия бериб, устоз деган шарафли касбни қадрлашга, унга лойиқ бўлишга ҳаракат қилиб келдим, — деб фикр билдирди суҳбатимизга қўшилган Маҳбуба Раҳматуллаева. — Айни пайтда эса маҳалламизда бу ишларни давом эттираяпман. Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари бўладими ёки оилалар — ҳар жойга яқин дўст, ҳамкор, маслаҳатчи сифатида кириб борамиз. Соғлом турмуш тарзининг аҳамияти, бу борада спортнинг саломатлик билан узвийлиги ҳақида ташвиқот олиб борамиз, оилалар тотувлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратамиз. Шу тариха маҳалламизда осойишталик, тинчлик, бирдамликка эришилаётир.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

I. Аукцион савдосига Бектемир тумани СИБ томонидан, Бектемир т. Х.Бойқаро кўчаси, Тошкент шаҳар ИИББ Аҳборот марказий ашёларни сақлаш оқиборида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «Матиз» русумли, д/р 10Q744BA бўлган, 2009 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 12.02.2010й, №1-35/10). Бошланғич баҳоси — 9 908 000 сўм; 2. «Матиз» русумли, д/р 01P041DA бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 24.12.2009й, №1-908/09). Бошланғич баҳоси — 10 745 000 сўм.

II. Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан, Учтепа т. 25-мавзе, Катта хирмонтепа кўчаси (2-сонли жарима майдончаси)да сақланаётган «Мерседес-Бенц» русумли, д/р 01С628AA бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда (ижро ҳужжати 22.03.2010й, №7426/25). Бошланғич баҳоси — 35 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 1 июнь кuni соат 11:00да бўлиб ўтади.
Талабгорлар диққатига! Юқоридаги ав-

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

тотранспорт воситаси 2010 йил 1 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситасини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 22 июнь кuni бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Шунингдек, 2010 йил 18 май кuni соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран, Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, 06.03.2006й, №ЖСК-1-88/2006 ижро ҳужжатига асосан қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда: 1. Тошкент ш. Ҳамза т. Уйсозлар кўчаси 72-а-уй, «Тошкент техника таъмирлаш бўғлаш» корхонасида сақланаётган «Хундай Акцент» русумли, д/р 10X6036, 1995 йилда и/ч техник носоз бўлган автотранспорт воси-

таси. Бошланғич баҳоси — 5 510 075 сўм; 2. Тошкент в. Қўрай т. дала ховличилар худудида жойлашган, 67-сонли дала ховли. Бошланғич баҳоси — 331 316 115 сўм. 3. Тошкент ш; Юнусобод т. Низомий кўчасидаги 12-уй, қурилиши тугалланмаган уй-жой. Бошланғич баҳоси — 192 558 500 сўм. 4. «Хундай Саната» русумли, д/р M44-28 бўлган, 1994 йилда и/ч Тошкент ш. Ҳамза т. Уйсозлар кўчаси, 72-а-уйда сақланаётган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 989 225 сўм.

III. Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда: 1. Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Фарҳод кўчасида жойлашган «АНВАРБЕК» тўйхонаси (ижро ҳужжати 17.03.09й, №5017/17). Бошланғич баҳоси — 1 723 318 200 сўм. 2. Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани, Ш.Бурхонев кўчасида жойлашган 59-«А» уй. (ижро ҳужжати 17.03.09й,

№5017/17). Бошланғич баҳоси — 467 244 630 сўм. 3. Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани, Зайтун кўчасида жойлашган, 3-5-7-уйлар. (ижро ҳужжати 17.03.09й, №5017/17). Бошланғич баҳоси — 1 115 292 600 сўм.

Мазкур мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг «Ипак йўли банки» ОАИКБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги №343-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 25.01.2010 йилдаги №02/16-88-сонли хати ва «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси биналари мажмуисидан фойдаланиш дирекцияси» ДУКнинг 21.04.2010 йилдаги №17к-п-сонли буйруғига асосан, «ДМК биналари мажмуисидан фойдаланиш дирекцияси» ДУКга тегишли, Тошкент шаҳар Ўзбекистон кўчаси, 55-уй манзилида сақланаётган «Тико» русумли, д/р 10АТ139 бўлган, 2002 йил и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 4 300 746 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 31 май кuni соат 10:00да бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2010 йил 31 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдолари 2010 йилнинг 9 ва 14 июнь кунлари соат 10:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «FALCON GLOBAL LOGISTICS» МЧЖ шаклидаги чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонаси томонидан, «FALCON GLOBAL LOGISTICS» МЧЖнинг 22.04.2010 йилдаги 11/10-О-сонли буйруғига асосан, корхонага тегишли Тошкент ш. Ҳамза тумани, Истикбол кўчаси, 15-уйда сақланаётган «Нексия» русумли, д/р 01/205НАА бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 13 984 827 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 3 июнь кuni соат 11:00да бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2010 йил 3 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдолари 2010 йилнинг 10 ва 17 июнь кунлари соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3973 нусxada босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамини»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида териштирилади.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
123 5